

АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ АСОСИДА ШАХСНИНГ ЎҚУВ- БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Пазылова Меруерт Ермекбаевна,
*Нукус давлат педагогика институти,
Педагогика кафедраси профессори в.б.,
педагогика фанлари доктори
Узбекистон, Нукус*

Аннотация: Мазкур мақолада аждодларимиз томонидан яратилган асарларда миллатимиз ёшларининг ақлий, маънавий, маданий камолотини таъминлашга хизмат қиладиган кўплаб ёндашувлар ўз аксини топганлиги, бугунги кунда ҳам таълим-тарбия мазмунини бойитишга ўзига хос тарзда хизмат қилиши ёритиб берилади.

Калим сўзлар: ёзма ёдгорликлар, илмий-бадий мерос, ақл-заковат, кучли фаросат, руҳий ишорат, саховат, ҳалол меҳнат қилиш

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда буюк мутафаккирлар томонидан яратилган дидактик воситалар алоҳида аҳамиятга эга. Педагогик билимлар тараққиётида аждодларимиз томонидан яратилган бадий ҳамда илмий-оммабоп асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки уларда маънавий-интеллектуал тарбиянинг асосий йўналишлари ва инсон ақлий фаолиятини ривожлантириш қонуниятлари ўз ифодасини топган. Чунки педагогик таълимотлар тарихида буюк мутафаккир аждодларимизнинг илмий-бадий мероси муҳим ўрин эгаллайди. Улар томонидан яратилган асарларда миллатимиз ёшларининг ақлий, маънавий, маданий камолотини таъминлашга хизмат қиладиган кўплаб ёндашувлар ўз аксини топган. Бундай қарашлар бугунги кунда ҳам таълим-тарбия мазмунини бойитишга ўзига хос тарзда хизмат қилади.

Педагогик ғоялар турли даврда жамият ва шахс тараққиёти билан бевосита боғлиқ ҳолда вужудга келган ва муайян даврнинг ижтимоий буюртмасини ўзида мужассамлаштирган. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни педагогик маҳоратини мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантириш учун узоқ даврлар мобайнида яратилган педагогик мероснинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда саралаш ва таълим-тарбия мазмунига тадбиқ этиш лозим. Таълим мазмунига буюк

мутаффақирлар меросидан талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган ёндашувларни ажратиб олиб, сингдириш тақозо қилинмоқда.

Буёқ мутаффақирлар ўз асарларини асосан таълим-тарбиянинг мазмуни ва усулларини бойитишга йўналтирилган ҳолда яратганлар. Энг қадимги билиш усуллари ифодаланган ёзма ёдгорликлар юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих", Страбоннинг "География" асарлари, "Авесто" ва Урхун-Енесей битикларида, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит турк" асари каби манбалар ҳисобланади.

Ушбу манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, аجدодларимиз жуда қадим замонлардан бошлаб, шахс таълим-тарбиясига алоҳида талаблар билан ёндашганлар. Чунки улар ёшларнинг ақлий фаолиятларини ривожлантириш, уларда зукколик сифатларини таркиб топтиришга интилганлар. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто" аجدодларимизнинг ўтмишдаги тили, ёзуви, таълим-тарбияси, инсонни фаоллаштиришга оид илк қарашларини ўзида мужассамлаштирган. Ушбу асарда ҳаёлий образлар ёрдамида инсоннинг тасаввурини ривожлантириш асосида таълим-тарбия бериш йўллари кўрсатилган.

Асарда шахснинг ақлий фаоллигини таъминловчи кўплаб фалсафий-педагогик ғоялар ўз ифодасини топган бўлиб, ушбу қарашлардан талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда самарали фойдаланиш имконияти мавжуд.

Инсон ҳаракатларининг асосини билим ташкил этади. Зардуштнинг таъбири билан айтганда, ҳаётнинг асосини маърифат ташкил этади. Зардуштийлар ушбу қоидага амал қилган ҳолда ўз фарзандларига ақлий, маънавий, диний, жисмоний йўналишларда таълим-тарбия берганлар. Зардуштийлик динида ёшларнинг жисмоний, ақлий таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, у маънавий поклик билан уйғун тарзда талқин

этилган. Ёшларга маънавий покликнинг асослари ҳақида зарур билимлар берилган.

Зардуштийлар ёшларнинг ёзма саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратганлар. Шу билан бир қаторда уларга математика, астрономия, тиб билими, тарих, фалсафа, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари дунёвий фанлардан билим берилган. Бундан кўзланган асосий мақсад таълим олувчиларнинг мантиқий фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришдан иборат бўлган.

Таълим муассасаларида кўргазмали қуроллардан, ҳикоя, суҳбат, мулоқот усулларида кенг фойдаланилган. Ўтилган мавзуларни мустақил такрорлаб тушуниб олишга алоҳида эътибор қаратилган. Устоз-шогирд муносабатларининг меъёрлари ҳамда ўқитиш усуллари қатъий белгилаб қўйилган. Устозлар донишмандлик сирларини эгаллаши лозимлиги ҳақида Авестода алоҳида кўрсатиб ўтилган. Авестода ёшларнинг ақл-заковатини ўстиришга алоҳида талаблар қўйилган. Зардушт ўз халқи, фарзандлари учун ёмон муаллимлар бўлмаслигини истади. Ушбу фикр бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш сифатини такомиллаштириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Туркий халқлар томонидан VI-VIII асрларда тошбитикларда ёзиб қолдирилган "Урхун–Енисей ёдгорликлари"ида ҳам бугунги кун таълим тизими учун қимматли фикрлар илгари сурилган. Ҳукмдорлар ёшларнинг билимли, шижоатли, юксак ақл-идрок эгаси бўлишлари учун ҳаракат қилганлар. Маърифатли ёшларгина миллатни ёт асоратлардан қутқариши мумкинлиги таъкидланган. Мазкур фикрлар бугунги кунда ёшларни ақлий жиҳатдан ривожлантириш ва ўқув-билиш фаолиятини тизимли тарзда такомиллаштириш учун муҳим педагогик аҳамият касб этмоқда.

Мутаффақкир аجدодларимиз ёшларда иймон, илм ва амал бирлигини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Улар шахс истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилганлар.

Шахснинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун қулай муҳит яратишга интиланлар. Натижада шахснинг ақлий-ижодий фаоллиги яққол намоён бўлган.

Ўша даврда яратилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойик”, Саъдийнинг “Тулистон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарларида таълим-тарбия масалаларига кенг ўрин ажратилган. Ал-Фаробийнинг асарларидаги таълим-тарбияга оид фикрлар педагогика фани учун алоҳида қимматга эга.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида марказий масала ахлоқ, одоб, илм, инсонийлик ва адолат ҳисобланади. Подшоҳ ва амалдорлардан тортиб хунарманд ва деҳқонларгача жамиятдаги барча тоифаларнинг ҳуқуқ ва бурчларига ўз муносабатини билдиради. Аллома борлиқ ҳақида билимларга фикр юритганда одам билиши мумкин бўлмаган нарса, билим билан ечилмайдиган жумбоқ йўқлигини, билим орқасида осмон сари йўл очилиши, билим учун тинмасдан ўрганиш кераклигини ўқтиради.

Кайковуснинг “Қобуснома”асари XI асрда юзага келган йирик тарбиявий характерга эга асар ҳисобланади. Тўлиқ исми Унсурул Маолий Кайкавус. У 60 ёшида угли Гилоншаҳга атаб “Қобуснома” асарини ёздирди. Асарда ҳар бир ёш эгаллаши керак бўлган ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия билан боғлиқ фаолият турлари очиқ берилди. Кайковуснинг катта хизмати унинг ёшларни ҳаётга тайёрлашда уларни ҳар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолиятга тадбиқи нуқтаи назаридан ифодаланиши билан қимматли асар ҳисобланади.

Шарқ уйғониш даврида педагогик таълимотлар янги босқичга кўтарилган. Унда асосан, инсоннинг ақлий камолотини таъминлаш орқали унинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга оид дидактик ёндашувларнинг вужудга келишига замин яратилган.

Аждодларимиз суҳбатдан таълим-тарбиянинг самарали усули сифатида фойдаланганлар. Суҳбат жараёни толибларга завқу-шавқ бағишлаб, уларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш имконини берган. Толиблар устоз суҳбати ёрдамида таълим йўналишини танлаганлар. Педагогик таълимотлар мударрислар томонидан толиблар онгига сингдирилган. Мударрислар педагогик фикрлар қамровини кенгайтириб, турли шаҳарлардаги мадрасаларга бориб, ёшларга таълим берганлар. Шу билан бир қаторда ўша шаҳардаги олимлардан илм-маърифат сирларини ўрганганлар. Толибларнинг билим эгаллашга бўлган қизиқишлари кучли бўлиб, бўш вақтларида мустақил билим олиш, кашфиётлар қилиш билан шуғулланганлар. Илмга бўлган юксак қизиқиш илм даргоҳларининг пайдо бўлиши ва кўплаб олимларнинг бир жойга тўпланишига асос яратган.

Ўша даврда вужудга келган педагогик таълимотлар инсоннинг билиш имконияти ва руҳиятини ҳисобга олганлиги учун ҳам шахснинг ақлий камолотини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

Нақшбандийлик тариқатида қалб, руҳ, ақл ва нафс тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг мазмун моҳиятини англаш инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга деб ҳисобланган. Мутафаккирларнинг таъбирича, қалб борлиқнинг мазмун моҳиятини англаб етиш имконини беради. Инсон қалб ёрдамида ўз хатти-ҳаракатларининг асл моҳиятини тушунади.

Инсон руҳининг поклиги унга ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солиш имконини беради. Шунинг учун ҳам мутафаккир аждодларимиз таълим жараёнида руҳ тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар.

Аждодларимизнинг таълим беришича, инсон ҳалол нарсаларни истеъмол қилса, унинг қалби ва руҳи пок бўлади, эзгу ишларга рағбат билдиради.

Аждодларимизнинг педагогик меросида ақлий тарбия марказий ўрин эгаллайди. У инсонга берилган энг улуғ неъмат эканлигини мутафаккирлар

қайта-қайта таъкидлаганлар. Шахс ўзининг билиш фаолиятларини ривожлантириш учун ақлан етук бўлиши керак.

Аждодларимиз ақлни икки йўналишда тавсифлаганлар:

а) нарса-ҳодисалар ва борлиқнинг ҳақиқий манзарасини идрок этишга асосланган билимлар мажмуи;

б) инсоннинг мавжуд билимларни идрок этиш имконияти.

Аждодларимизнинг педагогик таълимоти бугунги кунда ҳам талабаларнинг ақлий камолотини таъминлаш, уларнинг билиш имкониятларини кенгайтириш учун ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Мутафаккирлар ёш авлодга таълим-тарбия берадиган устозларга ҳам алоҳида талаблар қўйганлар. Бу ҳақида Кошифий ўзининг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” асарида қуйидагиларни кўрсатиб ўтган:

“Биринчидан, шайх комил маърифат эгаси бўлсин...

Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғаб олсин.

Учинчидан, етук руҳий-маънавий қуввати бўлсин, токи агар мурид тариқат йўлидан адашса, унга маънавий мадад бериб, мушкулини осон қилолсин, тўғри йўлга солсин.

Тўртинчидан, етарли даражада эркин одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмасин.

Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва таъмани тарк этсин, мол ва мансаб деб бировга сарғаймасин, эгилмасин.

Олтинчидан, ростлик ва беғараз дўстликни шиор қилсин, ҳақ сўзни ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккиюзламачилик қилмасин.

Еттинчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаати ва умумманфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин” [1.;12].

Ушбу талаблар бугунги кунда олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагоглар учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг юксак савияли, билимдон, зукко ва зийраклик билан талабаларга ёндашишлари кераклигини англатади.

Устозларнинг савиясига қўйиладиган талабларни Нақшбандийлик тариқатининг йирик намоёндаси Баҳоуддин Нақшбанд ҳам алоҳида кўрсатиб ўтган: "...Масалан, улар маърифат аҳлидир ёки муомала аҳлидир ё муҳаббат аҳлидир ёки тавҳид аҳлидир, дейишади. Авлиё ҳолининг мукамаллиги ва даражасининг ниҳоятга етганлигини бесифатлик, бенишонлик билан изоҳлайдилар. Бесифатлик Аллоҳдан юз берувчи кашф ҳолатига ишоратдирки, бу жуда олий мақом ва жуда азиз даражадир..."[2].

Алломалар шогирдларининг сифатлари ҳақида ҳам тўхталганлар. Жумладан, Ҳусайн Воиз Кошифий мазкур сифатларни қуйидагича тавсифлайди: "Агар муриднинг нечта сифатлари бўлиши керак, деб сўрасалар, ўнта деб айтгил. Аввал шуки, у балоғат ёшига етган бўлиши керак. Чунки балоғатга етмаган кишини тавбага келтириб бўлмайди ва тавба қилмаган одам муридликка муносиб эмас. Иккинчидан, у оқил одам бўлиши лозим, чунки ақлли бўлмаса, сўзнинг пасту-баланди, рамзий-ботиний маъноларини англамайди. Учинчидан, муслим бўлсин, агар мусулмон бўлмаса, тавба келтириши мумкин эмас. Тўртинчидан, талабгор бўлсин, яъни талаб йўлига жидду жаҳд билан қадам қўймаса, тараққий этмайди. Бешинчидан, садоқатли бўлсин, чунки агар сидку дилдан киришмаса, пирнинг маърифати кўнглидан жой олмагай ва агар пирнинг сўзи дилига таъсир этмаса, у мақсадига етолмайди. Олтинчидан, тобеъ бўлсин, яъни пирнинг ихтиёридан бир қадам ҳам чекинмасин. Еттинчидан, баланд идрокли бўлсин, яъни ўткир зеҳн ва зийраклик билан тўғри йўлни топиб олсин. Саккизинчидан, қабул этувчи бўлсин, яъни пирнинг сўзларини рост деб қабул қилсин ва пирга мақбул тушсин. Тўққизинчидан, қаноатли бўлсин, яъни фақат зарурий эҳтиёжга яраша нарсалар (еб-ичиш, кийиниш)

билан қаноатлансин, ортиқчасини талаб қилмасин, зеро ортиқча талаблар кишини тариқат шуғлидан четлаштиради. Ўнинчидан, солим (бугун) бўлсин, яъни бошқа пирга қўл бермаган бўлсин, бошқа киши билан келишиб, аҳд қилмаган бўлсин, чунки аҳду-паймон битта бўлади..."[1.;25]

Мутафаккир аждодларимиз ёшларга ҳаётни қадрлаш ҳақида ҳам қимматли ўғитлар берганлар. Улар жамиятни ривожлантирувчи асосий мезон сифатида ақл-заковат, кучли фаросат, руҳий ишорат, саҳоват, ҳалол меҳнат қилиш ва огоҳликдан иборат эканлигини алоҳида ажратиб кўрсатганлар.

Мутафаккирларимиз илмий фаолиятида ёшларни илм-маърифат эгаллашга ундаш ва бу йўлда фаол ҳаракатланишга устивор ўрин берилган. Амалий фаолият тажрибаси ва билимларни эгаллаш зарурлиги мутафаккирлар томонидан эътироф этилган. Улар ёшларни мунтазам огоҳликка чақирганлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кошифий Х.В. Футувватномаи султоний ёҳуд жавонмардлик тариқати. (тарж. Н.Комилов) -Т.: А.Қодирий номли Халқ мероси нашр. 1994. -112 б.
2. Усмонов О. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Т.: Университет, 1993. -34 б.